

## Ҳар бир намозда салавот айтишнинг ҳукми



09:04 / 15 август 751

Ҳазрати Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ мазҳабларида ҳар бир намоздаги ташаҳҳудда «Ассаламу алайка, аййуҳан набиййу ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳ» деб салавот айтиш вожиб, ҳар қаъдада салавот айтиш суннатдир. Яъни, ҳар намозда биринчи ва охири қаъдад ўтирганда ташаҳҳуддан сўнг «Аллоҳумма солли ʼала Муҳаммадин ва ʼала али Муҳаммад, кама соллайта ʼала Иброҳийма ва ʼала али Иброҳим, иннака ҳамийдум мажийд..» деб салавот айтиш суннатдир. Бундаги «Оли Муҳаммад», яъни «ҳазрати Муҳаммаднинг оилалари (аҳли)»дан мурод ул зотнинг умматларидан тақво аҳли бўлган зотлардир («Рухул-баён», 6-жилд, 478-с).

Ҳазрати Имом Шофиъий раҳматуллоҳи алайҳ эса: «Ташаҳҳудда ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга салавот айтилмаса, намоз намоз бўлмайди», деганлар («Тафсири Ҳилол»).

Ҳазрати Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ мазҳабларида эса намозхон қаъдаи аввални тарк этса ёки ташаҳҳуддан бир оз қисмини тарк этса, саждаи саҳв вожиб бўлади. Қаъдаи аввал таркибида эса салавот ҳам бор («Рисолаи сужуди саҳв», 30, 31,32-масалалар; «Қуҳистоний», «Оламгирия», «Раддул-мухтор»).

**«Энг гўзал салавотлар» рисоласидан**

Ушбу рисола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 29  
октябрь 03-07/6661-сонли хулосаси асосида чоп этилган.